"Келишилган" **"___"_____2025** **_____** **А.М. Мирзаев** **“Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ҳудудий бўлинмаси ” ННТси Директори**	**" Тасдиқлайман "** **"___"_____2025** **_____** **Д.А. Кидирова** **“Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар ҳудудий бўлинмаси” ННТси Директори**	**" Келишилган "** **"___"_____2025** **_____** **Ш.К. Абдираҳмонова** **“Ўзбекистон ногирон ишбилармон аёллар миллий ассоциацияси Тошкент вилояти бўлими” ННТинг Раиси**

Ўзбекистон ногирон ишбилармон аёллар миллий ассоциацияси Тошкент вилояти бўлими ва Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ҳудудий бўлинмаси ҳамда Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси Тошкент вилояти Олмалик шаҳар ҳудудий бўлинмаси билан биргаликда ҳамкорлик асосида "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг маҳаллий қарорларни қабул қилишда иштироки" лойиҳасини амалга оширмоқда.

Лойиҳа Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан Швейцария Тараққиёт ва Ҳамкорлик Агентлиги орқали "Ўзбекистонда маҳаллий фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш" дастури доирасида молиялаштириш учун тасдиқланган.

Лойиҳа фаолияти икки йилга мўлжалланган бўлиб, ногиронлиги бўлган шахслар орасида ҳуқуқий саводхонлик ва фуқаролик фаоллигини ошириш, ҳуқуқий ва ижтимоий маслаҳатлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек, уларнинг касбий таълими ва иш билан таъминланишини рағбатлантиришга қаратилган.

Лойиҳа давлат идоралари ва бизнес ҳамжамияти билан ижтимоий шериклик орқали амалга оширилади.

"Ногиронлиги бўлган шахсларнинг маҳаллий қарорларни қабул қилишда иштироки" лойиҳаси доирасида

Бошлангич баҳолаш бўйича мутахассис функционал вазифалари.

Статус

Бошлангич баҳолаш бўйича мутахассис - Ангрен ва Олмаликдаги ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, ҳуқуқий ва иқтисодий эҳтиёжларини қондириш бўйича дастлабки тадқиқотлар ўтказиш учун масъул бўлган лойиҳа ходими.

1. **Бошлангич баҳолаш бўйича мутахассиснинг компетенсияси**

Тадқиқотнинг мақсади ногиронлиги бўлган шахслар орасида қуйидаги соҳаларда қониқиш даражаси ва мавжудлигини аниқлашдан иборат:

- Касб-ҳунар таълимидан фойдаланиш имконияти.
- Ишга жойлашиш имконияти.
- Ижтимоий маслаҳат олиш имконияти.
- Ҳуқуқий маслаҳат олиш имконияти.
- Ногиронлиги бўлган шахсларнинг вакиллик органларида вакиллик қилиш даражаси.
- Ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонун чиқарувчи органларда вакиллик қилиш даражаси.
- Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўз сиёсий ҳуқуқларидан хабардорлик даражаси.
- Ногиронлиги бўлган шахсларнинг давлат томонидан кафолатланган ижтимоий нафақалар ҳақида хабардорлик даражаси.
- Давлат хизматчиларининг ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқлари ҳақида хабардорлик даражаси.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда қуйидаги усуллар қўлланилади:

- Анкеталаш.
- Оғзаки сўровнома.
- Фокус-гуруҳ.
- Чуқур интервюлар.
- Аналитик таҳлил.

Тадқиқот давомийлиги: 3 ойгача.

2. **Бошлангич баҳолаш бўйича мутахассиснинг жавобгарлиги:**
   Бошлангич баҳолаш бўйича мутахассис амалдаги фуқаролик қонунчилиги доирасида Коалиция аъзолари олдида ўз вазифаларини бажариш учун жавобгардир.
3. **Бажарилган иш учун тўлов**
   Бошлангич баҳолаш бўйича мутахассиснинг хизматлари бир марталик тулов усулида имзоланган шартнома асосида лойиҳа бюджетида белгиланган миқдорда тўланади.
4. **Талаб қилинадиган малакалар:**
   - Гуманитар еки статистика сохасида олий ёки урта маълумот;
   - Фуқаролик жамияти, ногиронлиги булган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ёки тегишли соҳаларда камида 5 йиллик иш тажрибаси;
   - Заиф гуруҳлар билан ишлаш тажрибаси афзаллик ҳисобланади;
   - Яхши ривожланган таҳлилий куникмалар, ҳалоллик, виждонлилик, масъулият ва вақтида келиш.

"Укидим ва розилигимни бердим" _____
«___»_____2026